

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайни» факультети

«Касбий таълим» кафедраси

18а-07 гуруҳи талабаси

Султонова Шоира Ғофуржоновнанинг

**«АЁЛЛАР ЕЛҚАЛИ КИЙИМЛАРИНИ АНДАЗАЛАР ЧИЗМАСИНИ
ТАЙЁРЛАШ»НИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ДИДАКТИК
ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
мавзуидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: _____ т.ф.н., катта ўқ.
Исмоилова Р.М.

Тошкент - 2011

МУНДАРИЖА

| | |
|---|--------------|
| КИРИШ..... | 3-8 |
| I-БОБ. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... | 9-25 |
| 1.1. Касб-ҳунар талими жараёнида дидактик ўйинларга бўлган турли ёндашувлар ва уларга қўйиладиган талаблар..... | 9-15 |
| 1.2. Касб-ҳунар таълими жараёнида қўлланиладиган ўйинли технология ва методлар | 16-25 |
| II-БОБ. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНияТЛАРИ..... | 26-67 |
| 2.1. «Тикув буюмларини лойиҳалаш» фани бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатлар мазмунини ва уларнинг ўзаро муносабати | 26-27 |
| 2.2. Касб-ҳунар коллежларида дидактик ўйинлар ёрдамида «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуини ўқитишнинг дидактик имкониятлари. | 28-67 |
| III-БОБ. ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ШОВҚИНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ..... | 68-70 |
| ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..... | 71-72 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 73-74 |
| ИЛОВАЛАР..... | 75 |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Мустақил республикаимиз ривож, тараққий этилиши энг илғор давлатлар сафида бўлиши учун, яъни бугунги жамиятимиз олдига қўйган буюк мақсадларга, эзгу ниятларга эришиш, жамиятимизни янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболли амалга оширилаётган ислохотлар тақдири кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ.¹

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишидан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг ҳар бир босқичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълими даражасига етказиш борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим. Чунончи, мазкур жараёнинг учинчи босқичи (2005 ва ундан кейинга йиллар)да "... таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш" каби долзарб вазифалар ижобий ҳал этилмоғи лозим. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида яна бир омилнинг мавжудлиги, яъни, узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог-ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади.

¹ И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 1-чақирик IX сессиясида сўзлаган нутқи «Халқ сўзи» газетаси, 236-сон 2009 йил.

Ўқитувчиларнинг махсус фанлар асосларини ўқитишга йўналтирилган машғулотлар жараёнини ноанъанавий шаклларда ташкил этиш, таълим жараёнини мукамал андоза асосида лойиҳалашга эришиш, мазкур лойиҳалардан оқилона фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг пухта, чуқур ўзлаштирилиши, уларда амалий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишининг кафолати бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмокда.

Замонавий бозор иқтисодининг шаклланиши корхоналар орасидаги рақобат асосида, халқ ҳўжалигининг барча тармоқ ва звеноларини кескин ривожланишини тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиётини рақобатсиз тассавур этиб бўлмайди. Корхоналар орасидаги рақобат ўз навбатида, илм-фан, техника ва технологияни яъни илмий техник тараққиётни (ИТТ) жадаллашувига олиб келади.

ИТТнинг жадаллашуви, ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиши натижасида жаҳон ҳам жамиятига қўшилиш имкониятини беради. Бу ерда ҳам, биринчи қаторга юқорида қўйилган масалаларни ҳал қила оладиган кадрларни тайёрлаш муаммоси чиқиб қолади.

Шунинг учун ҳам бизнинг давлатимизда "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунлари қабул қилинди.

Республикамиздаги амалга оширилаётган қайта қуришдан асосий мақсад ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи инсон, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлиги ҳисобланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий босқичда педагогик долзарб вазифаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари илмий таъминлаш киради. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз талим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахс – фуқароларнинг ташкил топишини кўзда тутди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчилар)нинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларини талаба (ёки ўқувчи)ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда. Хусусан, бугунги кунда касб-хунар таълими жараёнида ўқувчилар диққатини жалб қилиш, қизиқишини ошириш, ижодий фаолиятини ўстиришда дидактик ўйинлар катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда дидактика соҳаси аввалги эришилган ютуқларни сақлаб қолгани ҳолда янгиликлар билан бойитилиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимиз учун «Касб хунар таълими жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти» мавзусини танладик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Дидактик ўйинлар кўп йиллар давомида Д.Н.Узнадзе, Л.С.Вигодский, А.Н.Леонтьев, Г.К.Селевко, С.А.Шмаков каби чет эл педагог олимлари томонидан ўрганилиб келинган. Бундан ташқари, ўзбек педагог олимларидан Н.Н.Азизхўжаева, Р.Мавланова, О.Тўраев ва бошқалар дидактик ўйинлар хусусида бир қатор изланишлар олиб борганлар.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга - «ижод майдони»га эга бўлади. Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик ҳосилдир. У ўзаро кураш, мусобақалаш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Дидактик ўйинларни таълим тизимидаги аҳамияти кўплаб педагог ва психолог олимлар томонидан ўрганилиши натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Дидактик ўйинлар асосини билишнинг у ёки бу мазмунини, ўйиннинг бориши белгилайдиган ҳаракатларни бажаришга қаратадиган ақлий ва иродавий уринишини ташкил этади. Дидактик ўйинларда асосий фикрлаш жараёнлари – таҳлил қилиш, таққослаш, хулоса чиқариш ва ҳоказолар такомиллашади. Дидактик ўйинлар таълим жараёнида болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар болаларнинг ижодий иш фаолиятини кучайтиради. Ихтиёрий диққатини, хотирасини такомиллаштиради. Ўйинда ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда жуда кўп ҳаракатларни, машқларни бажарадилар, турли масалаларни ечадилар.

Тадқиқот объекти: касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига дидактик ўйинлардан фойдаланиб «Аёллар елкали кийимларини андазалари чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш жараёни.

Тадқиқот мақсади: касб-ҳунар коллежларида «Аёллар елкали кийимларини андазалари чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитишда дидактик ўйинлардан фойдаланиб юқори самарадорликка эришиш.

Тадқиқот предмети: «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш»ни ўқитишда дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг мазмуни, шакли, усуллари ва воситалари.

Тадқиқот вазифалари:

- касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларда андазалар чизмаларини қуриш кўникмаларини ҳосил қилиш муаммосини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- касб-хунар коллежларида ўқувчиларда «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- касб-хунар коллежларида «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитишда дидактик ўйинладан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини белгилаш;

- касб-хунар коллежларида дидактик ўйинлардан фойдаланиб «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуси бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- ўйинли технология ва методлардан фойдаланиб «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуи бўйича ўқув машғулотини шакллантиришни ўрганиш;

- «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш бўйича йўналтирилган ўқув материалларини дидактик таҳлил қилиш.

Кутилаётган натижалар:

- касб-хунар коллежларида ўқувчиларда андазалар чизмаларини қуриш кўникмаларини ҳосил қилиш муаммосини ўрганилади ва ечимлари топилади;

- касб-хунар коллежларида ўқувчиларда «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқланади;

- касб-хунар коллежларида «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитишда дидактик ўйинладан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари белгиланади;

- касб-хунар коллежларида дидактик ўйинлардан фойдаланиб «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуси бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқилади;

- ўйинли технология ва методлардан фойдаланиб «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуи бўйича ўқув машғулоти шакллантирилади;

- «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш бўйича йўналтирилган ўқув материалларини дидактик таҳлил қилинади.

Тадқиқот методлари: кузатув, педагогик таҳлил, аналитик, савол-жавоб, суҳбат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти: касб-ҳунар коллежларида «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини дидактик ўйинлар ёрдамида ўқитиш жараёни бугунги кунда замонавий таълим технологиясига оид назарий қарашлар ва ёндашувлар билан бойитилди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларда касбий билимларни шакллантиришнинг замонавий метод, шакл ва воситалари вужудга келди.

Тадқиқот натижасида касб-ҳунар коллежларида «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш» фани бўйича таълим технологиясини яратишга оид ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар ёш мутахассисларни ўз касбига масъулиятли ва баркамол шахс қилиб тайёрлашга хизмат қилади.

I-БОБ. КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Касб-хунар талими жараёнида дидактик ўйинларга бўлган турли ёндашувлар ва уларга қўйиладиган талаблар

Педагогик ўйинлардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Д.Н.Узнадзенинг таърифича, ўйин шахсга хос бўлган ички имманент психик (руҳий) хулқ шаклидир.

Л.С.Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н.Леонтьев ўйинга шахснинг ҳаёлотдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди.¹

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади. Улар қуйидагилар:

¹ Азизхўжаева Н.Н., «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат», ўқув қўлланма Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюشمаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006 й., 91-бет.

- мафтункорлик;
- коммуникативлик;
- ўз имкониятларини амалга ошириш;
- даволовчилик;
- ташхис;
- миллатлараро мулоқот;
- ижтимоийлашув.

Тадқиқотчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиққанлар. Ўйинларни муҳим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожланувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият фақат натижа (тадбир) туфайли баҳра олиш учун эмас, балки хоҳишларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун қўлланади.

Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга - «ижод майдони»га эга бўлади.

Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик ҳосилдир. У ўзаро кураш, мусобақалаш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантикий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар.

Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.

Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалаш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К. Селевко таъбирича) қуйидагиларни қамраб олади:

- ўйнаш учун олинган роллар;

- бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;
- предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсаларини ўрнида қўллаш;

- ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари;
- ўйинда шартли равишда яратилган сюжет (мазмун) – ижро соҳаси.

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлимини ўзлаштиришда ўқитиш метод ива мустақил технология сифатида фойдаланилади.

Ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назоат) тарзида ташкил этилади.

Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларида қўлланилади.

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятда билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантириш, меҳнат кўникмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мутақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диққат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, чоғиштириш, ўхшашини топиш, фараз, ҳаёл, ижодий қобилият, импатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига жалб қилиш, муҳит шароитларига кўникиш, эҳтиросларни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, мулоқотга ўргатиш ҳамда психотерапияни назарда тутати.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд. Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади.

Педагогик ўйинлар асосида талабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади.

Г.К.Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади:

- дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;
- ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашуш унсурлари киритилади;

• дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.¹

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Ушбу дарсларда ўқувчининг билим олиш жараёни ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади. Шу сабабли ўқувчиларнинг билим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти орқали қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Ўйин орқали шахснинг маълум бир фаолиятига бўлган қизиқиши ортади.
2. Коммуникатив – мулоқат маданиятини эгаллашга ёрдам беради.
3. Шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишга имкон яратади.
4. Ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга тайёрлайди, мўлжални тўғри олиш кўникмаларини ҳосил қилади.
5. Ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ – аъвоқни эгаллаш, камчиликларга барҳам имконияти яратилади.

¹ Селевко Г.К. и др. Дифференциация обучения. – Ярославль, 1995 г.

6. Шахснинг ижобий хислат ва фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди.
7. Инсоният учун аҳамиятли бўлган кадриятлар тизими, аёникса, ижтимоий, маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний кадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади.
8. Ўйин иштирокчиларида жамоа мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ўйин билан боғлиқ фаолият ўзининг тўртта хусусияти билан ажралиб туради:

1. Эркин ривожлантирувчи фаолиятнинг вужудга келиши (бунда ўйин иштирокчилари ролларни, вазифаларни танлаш, ўз фаолиятдан кўнгли тўлиши назарда тутилади).
2. Ижодий муҳитнинг таркиб топиши (ўйин иштирокчилари тегишли ижодий ва мустақил фаолиятга эга бўладилар).
3. Ҳис-ҳаяжонли вазиятнинг пайдо бўлиши (ўйин давомида мусобақа, рақобат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келади).
4. Ўйин давомида белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиниши (ўйин мазмуни, бориши, мантиқий кетма-кетлиги ва ҳоказолар).

Дидактик ўйинлар қоидали ўйинлар жумласига киради ва ролли ўйинларни ривожлантириш предмети ҳисобланади. Бундай ўйинлар асосини билишнинг у ёки бу мазмунини, ўйиннинг бориши белгилайдиган ҳаракатларни бажаришга қаратадиган ақлий ва иродавий уринишини ташкил этади. Дидактик ўйинларда асосий фикрлаш жараёнлари – таҳлил қилиш, таққослаш, хулоса чиқариш ва ҳоказолар такомиллашади.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнида болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўйинлар болаларнинг ижобий иш фаолиятини кучайтиради. Ихтиёрий диққатини, хотирасини такомиллаштиради. Ўйинда ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда жуда кўп ҳаракатларни, машқларни бажарадилар, турли масалаларни ечадилар.

Ўйин таркибига қуйидаги масалалар киради:

- а) ўйиннинг сюжети;
- б) муайян роллар, вазифалар;
- в) ушбу ролларни амалга ошириш учун бажариладиган амаллар (усуллар);
- г) аниқ ўйинлар ёки шартли равишдаги ўйин воситаларидан фойдаланиш;
- д) ўйин иштирокчилари ўртасидаги муносабат, мулоқот.

Ўйин фаолияти қуйидаги босқичлардан ташкил топган:

1. Ўйинда кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш йўллари белгилаш.
2. Ушбу мақсадни амалга ошириш йўллари белгилаш.
3. Олинган натижаларни таҳлил қилиш.
4. Ўйин структурасига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Дидактик ўйинларга қўйиладиган талаблар:

1. Дидактик ўйинлар ўқув педметлари бўйича дастур материалига мувофиқ йўсинда танланиши лозим.
2. Дидактик ўйин унда қатнашувчиларга билимлар бўйича маълум талаблар қўйиладиган йўсинда ишлаб чиқилиши керак.
3. Дидактик ўйиннинг мувофаққиятли ўтиши унинг мақсадини яққол англашига боғлиқ. Чунки бунда ўқувчиларнинг фикрини мақсадли йўналишга солиш, уларнинг ишини бажаришга қизиқишини ошириш имконияти туғилади.
4. Ўйинларни танлашда маълум изчилликка риоя қилиш ҳам зарур. Мазмунан қийин ўйинлардан олдин осонроқ ўйинларни ўтказиб, ўқувчиларни навбатдаги ўйинларга пухтароқ тайёрлаш жуда муҳимдир. Шу тариқа таҳлил, синтез, таққослаш, таснифлашда мавҳумлаштириш, муайянлаштириш, умумлаштириш сингари ақлий операцияларни аста секин мураккаблаштириб бориш шарт.

5. Дидактик ўйинларнинг қоидасини ва ташкил этилишини тузиш ва ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг турли (бўш ва кучли, фаол ва лоқайд) гуруҳларини ҳисобга олиш керак.

6. Ўйиннинг қоидалари содда, аниқ бўлиши ва яққол ифодаланиши лозим.

7. Ҳар бир ўқувчи бутун ўйин жараёнида фаол иштирок этиши, ўз «навбатини» узоқ кутиш ўйинга қизиқишни сусайтириши мумкинлигини унутмаслик керак.

8. Ҳар бир ўйинга умумий ва яқка тартибда ёндашиш, ундаги топшириқларнинг қийинлик даражасини ва қанчаси мустақил ҳолда бажарилишини ҳисобга олиш керак.

Дидактик ўйинларнинг самарадолигини оширишнинг энг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

Психологик йўналишда:

- ўқувчиларнинг ҳиссиётли кайфияти;
- эмоционал фондни вужудга келтириш;
- ўйин фаолиятида хоҳишни таркиб топтириш;
- ҳаёл ва тасаввур кайфиятини ҳосил қилиш;
- фаол идрок этиш, кузатувчанлик ва онгли фикрлаш, иродалилиқ.

Педагогик йўналишда:

- ўйин жараёнининг изчил ва яққол мақсадга қаратилиши;
- ўйиннинг вазифаларини белгилаш;
- ўқувчиларни ўйиннинг мазмуни билан яққол ва ифодали таништириш;
- ўйинда ўқитувчининг болалар билан баравар қатнашуви;
- ўйин жараёнида шеърлар ўқиш, куйлаш, рақс тузиш, тақлид қилиш, имо-ишораларни бажариш, шунингдек, ўйинга тайёрланиш жараёнида ўйинда ва уйга берилган топшириқларни бажаришда тасвирий ижод билан шуғулланиш.

1.2. Касб-хунар таълими жараёнида қўлланиладиган ўйинли технология ва методлар

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинади.

Педагогик ўйинлар фаолият соҳаси жиҳатидан қуйидагиларга бўлинади:

- жисмоний ўйинлар;
- интеллектуал ўйинлар;
- меҳнат ўйинлари;
- социал ўйинлар;
- психология ўйинлари.

Педагогик жараён характери жиҳатидан:

- таълимий, тренинг, назорат этувчи, умумлаштирувчи;
- билиш (идрок этувчи), тарбиявий, қизиқтирувчи;
- репродуктив, продуктив, ижодий;
- коммуникатив, диагностик, касбий ташкилий, психологик ўйинларга

бўлинади.

Ўйин методикаси жиҳатидан қуйидаги ўйин турлари мавжуд:

- фанга хос;
- сюжетли;
- роль ижроси;
- тадбиркорлик;
- андозавий;
- драммалаштириш.

Фан соҳаси бўйича педагогик ўйинларни қуйидагича таснифланади:

- математик, химик, биологик, физик, экологик ўйинлар;
- музикий, театр, адабий ўйинлар;
- меҳнат, техникавий, ишлаб чиқаришга оид ўйинлар;
- жисмоний тарбияга оид, спорт, ҳарбий-амалий, туризмга оид, халқ

ўйинлари;

- жамиятшунослик, бошқарув, иқтисод, тижоратга оид ўйинлар.

Ўйин муҳити жиҳатидан қуйидаги ўйин турлари фарқланади:

- жиҳозли ва жиҳозсиз;
- стол, хона, кўча, маҳалла ўйинлари;
- компьютер, телевизион, техник воситали;
- техникавий, ҳаракат усуллари ёрдамида.

Дидактик ўйинли дарсларни ташкил этишда сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин- машқлардан кенг фойдаланилади.

Сюжетли-ролли ўйинлар. Академик лицей ва касб-хунар таълими ўқувчиларида ижодий фикрлаш, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида бор бўлган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим роль ўйнайди. Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг объектлари ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни ўқувчиларнинг ўзларидаги билим захираларига таянган ҳолда ҳамкорликда босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли-ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бунда ўйин сюжети жамиятдан ёки табиатдан олинади. Баъзан жамият ва табиатдаги муаммолар уйғунлаштирилади.

Ишбилармонлар ўйини. Жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттиришга ўқувчиларнинг муайян билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган ҳамда касбий сифатларини таркиб топтириш, уларни онгли равишда касбга йўллаш, илмий дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган дидактик ўйинларни ишбилармонлар ўйини дейилади. Ишбилармонлар ўйини ҳам бошқа ўйинлар каби ўқитувчи ва ўқувчилардан пухта тайёргарлик кўришни талаб этади.

Ижодий ўйинлар. Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мантикий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини кондиринишда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ижодий қўллаш ва изланиш орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ мумкин.

Тадбиркорлик ўйинлари. Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланган. Тадбиркорлик ўйинлари машҳур психологлар Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я. Галперинларнинг ишларида назарий асосланган. Тадбиркорлик ўйинлари ўз характериға кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида XX асрнинг 20-йилларида гуркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига тақлидий (имитацион) ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларға ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган.

Ўйин машқлар. Таълим жараёнида ўйин машқларини муваффақиятли ўтказиш ўқитувчининг илмий-методик савияси ва педагогик маҳоратининг юқори даражада бўлиши, замон билан ҳамнафаслиги, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқариш малакаларининг шаклланганлигига боғлиқ.

Ўйин машқлари учун телевидения ва матбуот орқали мунтазам бериб борилаётган ва ўқувчи ёшларнинг энг қизиқ машғулотларига айланган ўйинларни андоза қилиб олиш мақсадға мувофиқ. Бундай ўйинлар жумласига «Заковат ўйини», «Зинама-зина», «Ким миллионер бўлишни хоҳлайди?» кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ўйинларда ўқувчилар аввало ўз кучи ва билимларини синаб кўрадилар ва яна уларнинг кўпларида шу ўйинлар иштирокчиси бўлиш истаги вужудға келиши табиий.

Ўйинли технологияларни амалга ошириш бўлғуси мутахассиснинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Ижодий фаолият тажрибасини ривожлантириш методларига илмий тафаккурни жонлантириш, янги муаммоларни ечиш малакасини ишлаб чиқишга, муаммоларни ечишда онгли изланишга олиб келадиган методлар тааллуқлидир.

Ижодий фаолиятни ривожлантириш методлари Г.С.Алтшуллер, О.Г. Богданова, А.В.Брунслинский, Г.Мелхорн, Б.Миронов, П.Якобсон ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Улар қуйидагилар:

I. Шароитни (муҳитни) мураккаблаштирадиган методлар:

1. Вақт жиҳатдан чегараланган методлар. У муваффақият факторнинг конструкторлик фаолиятига сезиларли таъсир этишни қайд қилишга асосланади: баъзиларда вақт жиҳатдан чегаралаш фаолликни оширади ва сокинлик ҳолатига қараганда, янада юқори натижаларни кўрсатади. Бошқаларида (кўпинча) турли даражада ўз хулқини ўзгартиради, натижалари камайиб келади ва ҳамма вақт ҳам охирги ечимига эришилмайди. Учинчиларида, вақт жиҳатдан чегаралаш уларни жиловлайди, талвасага туширади, улар пароканда бўладилар, васвасага бериладилар, кўпчилиги ёки бир қисми вазифани ечишдан бош тортадилар.

2. Тўсатдан таъқиқлаш. Жараённинг у ёки бу босқичида хатти-ҳаракатларнинг қандайдир деталлар механизми таъқиқланади. Бу билан штамплар, конструкторлик фаолияти, мосламалар, қисмлар, деталларнинг машҳур типларини қўллаш имкониятлари бузилишининг олди олинади.

3. Тезликда эскизлаш методи. Талабаларнинг конструкторлик фаолиятининг у ёки бу пайтида расм чизиш талаб қилинади. У ўз фаолиятини бевосита назорат қилинишига конструкторлик ижоди жараёнини образлар воситасида бошқаришга, ёрдам берадиган миясига (хаёлига) келган барча конструкцияларни тасвирлайди.

4. Янги вариантлар методи вазифани, бошқача бажаришни талаб қилишда, яъни ечимнинг бир неча вариантлари бўлган ҳолда, унинг янги вариантларини топиш ва бажаришда қўринади.

5. Ахборотлар танқислиги методи конструкторлик фаолиятининг биринчи босқичларида алоҳида фаоллик вазифаси қўйилганда қўлланади. Бунда вазифанинг бошланишида маълумотлар жуда оз бўлади.

6. Ахборотлар мўллиги методи вазифа қўйилган шароитда, ортиқ даражада маълумотлардан фойдаланишга асосланади.

7. Беъмани методнинг моҳияти шундаки, унда мутлақо бажариб бўлмайдиган конструкторлик вазифаси (абдий двигетельни яратишга ўхшаш) қўйилади.

8. Рекодификация методи. Унинг моҳияти шундаки, ҳодисаларни «кўчириш» вақтлари билан боғлиқ янги ва бетакрор ҳолатларни ишлаб чиқиш мақсадида ҳодисаларни бошқача ифодалашдир. У «кашфиётлар (майдони) матрица»сига асосланади. Рекодификацияни бир тилдан иккинчи тил(фанда кўпинча математика тили)га ўтказиш деб тушунса ҳам бўлади. Бироқ у барча рекордификация тили бўлиши мумкин эмас, график ифодалар, схемалар, таблицалар, диаграммалар ҳам рекордификация вазифасини бажариши мумкин.

II. Ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методлари:

1. Делфи методи – тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради. Гуруҳ аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчилликда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5 та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган. Қайси бири муҳим камчиликка муҳокама иштирокчилари муаммони аввал муҳимлик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари учун муҳим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга қўядилар. Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларининг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Бунда энг юқори балл сифатида 1 ва энг пастки 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар

бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал ясалиши мумкин.

2. «Қора кути» методи. Бу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, яъни таҳлил давомида иштирокчилар беихтиёр камчиликлар юзага келиши масалаларига тўхталадилар. Иштирокчиларни бунга махсус, мақсадга мувофиқ қўйилган саволлар ундайди. Масалан, «Бу вазият нимага олиб келади?» ёки «Бу ҳолатда механизмлар иши қай даражада барқарор?» ва бошқалар. «Қора кути» методининг моҳияти шундаки, унда камчиликлар сабаби йўл-йўлакай аниқланади. Бунда кишиларнинг ижодий ташаббуслари ривожлантирилади.

3. Кундалик тутиш методи. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтрчаси тарқатилади. Унга, айтайлик, ҳар ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча иштирокчиларнинг ёзиб борган фикрлари пешқадамлар томонидан таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охирги муҳокамага олиб чиқилади. Бу метод қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан, турли ҳилдаги тортишувлар, нуқтаи назарлар гуруҳ мажлисигача ҳал қилинади, кескинлашган нуқтаи назарлар ҳам текисланади.

4. 6-6 методи: Олти кишидан иборат бўлган гуруҳ 6 минут давомида гуруҳ олдида турган муаммони ечишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу жуда ихчам тарзда амалга оширилади: жипсликларнинг бузилиши ва материалларнинг бузилиши, технологияларнинг бузилиши тарзида. Шундан сўнг гуруҳда барча тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади.

Муҳокама жараёнида ўта ҳато қарашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади. Вазифа – бир нечта муҳим муқобилларни

саралаб олиш. Бинобарин, уларнинг миқдори иштирокчилар миқдorigа нисбатан кам бўлиши лозим.

5. Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айти бйр хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазибаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгйшдир.

Бу метод А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қондаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлоқ таъқиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил-мубоибани рағбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи - машғулот раҳбарига боғлиқ. «Фикрлар ҳужуми» иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

6. Ялпи «Фикрлар ҳужуми». Бу метод Ж.Доналд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гуруҳларда (20дан 60тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик-кичик 5-6 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 минут давомида мустақил равишда тўғри «Фикрлар ҳужуми» ўтказади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ вакили ўз гуруҳларида ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинади.

7. Кейинги даврларда «Яширин фикрларнинг шиддатли ҳужуми» шаклидаги метод кенг ривожланмоқда. Бу методнинг келиб чиқиш моҳияти шундай: ҳар бир киши ҳам ижодий меҳнат қила олмайди, бегона шахслар олдида, айниқса, бегона шахслар баҳсга аралашиб турганда ғоялар ишлаб чиқа олмайди. Лекин уларнинг ғоялар ишлаб чиқишга укувлари бор, балки улар ёлғизликка ва сокинликка муҳтож бўладилар. Шу туфайли «яширин фикрлар ҳужуми»да икки ғоя ишлаб чиқувчи гуруҳча: бири - одатдаги фикрларнинг шиддатли ҳужуми давомида ғояни олға сурувчилар; иккинчиси - яширин, яъни улар биринчи гуруҳ муҳокамаларида қатнашмайдилар, улар учун «яширин

хона» ташкил этилади ва жойлаштирилади. Улар телемонитор воситасида биринчи гуруҳнинг баҳсларини кузатадилар ҳамда юзага келган ғояларни ўз дафтарчаларига ёзиб борадилар ва уларни «эксперт»ларга узатадилар.

8. Синектика методи. У 1960 йилда АҚШда У.Гордон томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод талабаларга муаммонинг унсурларини ифодалашга, ижоднинг бош мақсадини ажратиб олишга, турли хил характердаги вазифаларни ечишнинг ҳар хил нусхаларини излашга ёрдам беради ва улар қуйидаги шаклга эга бўлади: бевосита (маълум бир вазифанинг ечилишига ўхшатиб ечилади), шахсий (объектдаги берилган вазифа образига киришга уриниб кўриш ва шу нуктаи назардан фикрлашга ҳаракат қилиб кўринг), рамзий (икки жумла билан вазифанинг образли моҳиятини айтиб беринг), хаёлий (гўёки эртаклардагидек бу вазифани ечадилар). Бу билан бўлғуси мутахассисда абстракциялаш малакаси, муҳокама предметида ўзини фикран олиб қочиш, ақл юритиш мойиллиги, хаёлот, баҳсларга киришиб кета олиш, боғланиб қолиш ҳавфи бўлган ғоялардан узоқлашиш, бошқалар фикрини тинглаш, сафдоши билдирган ғояларга нисбатан чидамли бўлиш, одатдагилар ичидан ғайри одатийларини ва ғайри одатийлар ичидан одатдагиларини топиш ҳамда аналоглардан унумли фойдаланиш каби синектик фикрлашга бўлган қобилият шаклланади.

9. Техник ечимларнинг морфологик таҳлили ва синтези. Бу метод швейцариялик астрофизик Свикки томонидан ишлаб чиқилган. Ўрганилиши лозим бўлган техник тизим таркибий қисмлари ёки функционал морфологик белгиларидан иборат бўлган таркибнинг рўйхатидан аниқ муқобиллари, техник ифодалари ажратиб олинади улар морфологик кути ёки матрица деб номланадиган жадваллар шаклида жойлашади ва ажралиб турган белгилар вариантларини бирлаштириб саралаб олиш орқали янги вазифалар ечими аниқланади. Морфологик таҳлилда бўлғуси мутахассислар техник вазифалар ечими унсурларининг ҳар томонлама комбинациясини ясашга ўрганадилар. Чунки бу метод қуйидаги тамойилга асосланган: техник характердаги ижодий вазифаларни ечишда мувофиқлаштирувчи ўқлар ёрдамида объектнинг муҳим тавсифларини фарқлаб оладилар. Унга қуйидагилар киради:

- вазифаларни аниқ ифодалаш, янги ифодаларни топишга уриниш, иккинчи даражали ва ўхшаш вазифаларни аниқлаш ҳамда улардан энг муҳимини ажратиб олиш;
- ечимлардаги мавжуд камчиликлар, уларнинг асосий тамойиллари ва янги таклифларни санаб кўрсатиш;
- хаёлий, биологик, иқтисодий, молекуляр ва бошқа аналогларни хомаки режалаштириш;
- математик, гидравлик, электрон, механик ва бошқа моделларни яшаш (улар аслида аналогларга қиёсланган ғояларни ифода қилади);
- вариантлар, тобеъликлар, бўлғиси алоқалар, мантикий ўхшашликларни ўрнатиш;
- бу ишдан мутлақо хабари йўқ баъзи кишиларнинг фикрларини билиш ва бошқалар.

10. Функционал – фойдали таҳлил методи. Бу методнинг яратувчилари сифатида Пермик муҳандис Ю.М.Соболев ва Л.Маез бошчилигидаги Американинг «Jeneral elektrik» фирмасининг муҳандисларидир.

Бу техник объектларнинг техник-иқтисодий методи бўлиб, уларнинг истеъмолчилик ўзига хослиги ва бу ўзига хосликни таъминловчи чиқимлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. Бу методнинг моҳияти шундаки, ижрочи объектга бажарилиши лозим бўлган амаллар ва истеъмолчи талаблари нуқтаи назардан ёндошади. Бу метод бир қатор мураккаб конструкцияларга ишлов бериш, уларнинг технологиклиги, самарасиз чиқимларга қарши «марказлашган ҳужум» ташкил этиш, моддий ва меҳнат омилларидан самарали фойдаланишни оширишни ҳал қилишда иқтисодий самарадор метод ҳисобланади. Мамлакатимиздаги илмий ташкилотлар ва короналарнинг ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтилиши бу методдан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, функционал-фойдали таҳлил асослари олий мактабда бўлғуси мутахассис-тадқиқотчиларга (конструкторлар, технологлар) дарс сифатида ўтилиши лозим. Бу эса ўқув юртини битиргандан сўнг бориб ишлайдиган илмий ташкилот (корона)да

махсулотлар конструкциясини, уни тайёрлаш технологиясини яхшилашнинг конкрет йўллари аниқлашга янги имкониятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва ускуналарни ишлатиш ҳамда ортиқ даражадаги сарф-ҳаражатларни бартараф қилишга имкон беради. Масала шундаки, функционал-фойдали таҳлил нуқтаи назардан қаралганда, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча сарф ҳаражатлари фойдали ва фойдасиз ҳамда ортиқча деб тақсим қилинади. Кейингилари яққол кўриниб турган ва беҳуда сарфлардир. Бу метод бўйича ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун мамлакат ўқув юртларида тўпланган тажрибалардан фойдаланиб, функционал-фойдали таҳлил ва конструкцияларнинг технологиклиги бўйича махсус курслар ишлаб чиқариш зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда, дидактик ўйинли дарсларда талабаларнинг билим олиш жараёни ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади. Ўйинли фаолият эса дарс жараёнида қўлланиладиган ўйинли технология ва ўйин машқлар шаклида намоён бўлади. Дарс жараёни учун танланган технология дарс тури ва мавзусига мос бўлиши лозим.

II-БОБ. КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

2.1. «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш» фани бўйича ўқув-меъёрий хужжатлар мазмуни ва уларнинг ўзаро муносабати

Менга касб-хунарни коллежларида «Аёллар елкали кийимлари андазалар чизмасини тайёрлаш»ни ўқитиш жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш бўйича битирув малакавий ишини тайёрлаш топширилган.

Касб-хунарни коллежларининг 3540600 – Енгил саноат маҳсулотлари технологияси тайёрлов йўналишининг (3540604 – Кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори - Кийимлар модельер дизайнери, кийимларни лойиҳаловчи, тикувчи) ихтисослиги бўйича намунавий ўқув режасини ўрганиб чиқдик: «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш» фани бўйича умумий юклама 312 соат бўлиб, аудиториядаги ўқув юкламаси жами – 220, назарий - 100, амалий - 100, мустақил таълим учун - 92 соат қилиб белгиланган.

«Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш учун биз битирув олди амалиётини ўташ жараёнида битирув малакавий иши учун зарур бўладиган барча меъёрий хужжатларни тўплашга ҳаракат қилдик. Жумладан, ўқув режа, ўқув дастур ва мавзуимга тегишли маъруза матни ҳамда турли хил ўқув-дидактик воситаларни йиғишга муваффақ бўлдик.

Биз «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуси «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш» фани ўқув дастури мазмунида неча соат ўқитилиши мўлжалланганлиги ҳамда унинг мазмуни қандай ёритилганлиги билан танишиб чиқдик ва шу мавзунини қай даражада янада чуқур ўрганиш мумкинлиги бўйича ишчи режа ишлаб чиқдик. Ишчи режа қуйидагича шакллантирилди:

**«Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш»
мавзуси бўйича
Ишчи режа**

| № | Мавзулар | Ўқув машғулоти | | |
|---------------------|---|----------------|----------|-------------|
| | | Маъруза | Амалий | Мустақил иш |
| 1. | Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш | 2 | | |
| 2. | Аёллар елкали кийимларини асосий андазалари чизмаларини ишлаб чиқиш | | 2 | |
| 3. | Аёллар елкали кийими ҳосила ва ёрдамчи андазалари чизмаларини ишлаб чиқиш | | 2 | |
| 4 | Аёллар реглан бичимли кўйлагини андазалар чизмасини ишлаб чиқиш | | | 2 |
| Жами: 8 соат | | 2 | 4 | 2 |

Навбатдаги вазифамиз шу тўпланган материаллар асосида «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуини дидактик ўйинлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда биз «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуси бўйича маъруза матни, услубий кўрсатма, 2 соатлик маъруза машғулоти, 4 соатлик амалий машғулоти, технологик харита, шу мавзу асосида ноанъанавий шаклдаги дарс ишланмаси, педагогик технологияларни татбиқ этишнинг мазмуни, йўллари, педагогик шарт-шароитлари ҳамда интерфаол методлар асосида ўқитиш жараёнида талабалар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик.

Педагогик технология асосида ишлаб чиқилган мазкур иш «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш» фани бўйича ўқув-методик мажмуага асосланган.

2.2. Касб-хунар коллежларида дидактик ўйинлар ёрдамида «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзуини ўқитишнинг дидактик имкониятлари

Биз «Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш» мавзусини касб-хунар коллежларида ўқитиш учун қуйидаги кўринишдаги маъруза матни, амалий машғулот дарслари услубий кўрсатмаси ва ноанъанавий дарс ишланмасини ишлаб чиқдик.

МАЪРУЗА

Мавзу: Аёллар елкали кийимларини андазалар чизмасини тайёрлаш

Режа:

1. Андазалар турлари ва уларни қуриш асослари.
2. Асосий андазалар.
3. Ҳосила андазалар.
4. Ёрдамчи андазалар.
5. Андазаларни расмийлаштиришга қўйиладиган техник талаблар.

Андазалар турлари ва уларни қуриш. Деталлар андазасининг чизмаси улар конструкциясини, шакли ва ўлчамларини, ишлов бериш ва бичишдаги техник шартларини ифодаладиган техник ҳужжатдир. Андазаларнинг чизмаси буюмни тузувчи барча деталларга, конструкторлик ҳужжатларнинг ягона системаси талабларига мувофиқ тайёрланади. Кийим деталлари андазаларининг чизмаси конструкциянинг модел хусусиятлари киритилган техник чизма асосида тавсия қилинган материаллар хусусиятлари ҳақидаги ва уларга технологик ишлов бериш усуллари тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида тузилади. Андазалар чизмаси қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:


- конструкция чизмаси батафсил текширилади;
- чизмага газламанинг киришувчанлиги билан боғлиқ аниқликлар киритилади;
- деталлар чизмасининг нусхалари бошқа қоғозга туширилади;
- асосий деталлар андазаларининг ишчи чизмаси қурилади;

- ҳосила ва ёрдамчи андазаларнинг ишчи чизмалари курилади;
- ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган андазалар чизмасидан андазалар шаблонлари тайёрланади.

Қайд этилган кетма-кетлик қуйидаги тартибда амалга оширилади. Конструкция чизмасини текшириш мақсадида олд ва орқа бўлақлар, қирқма ён бўлақ, енглар, остки ёқа сингари асосий деталларнинг нусхаси махсус мослама ёрдамида чизмадан қалин қоғозга кўчирилади ва қирқиб олинади. Қирқиб олинган андазалар шаблонида кўкрак, бел, бўкса чизиқлари, олд ўтар чизиғи, витачкалар, чўнтаклар чизиғи ва бошқа асосий конструктив чизиқлар белгиланади.

1-расм.

Конструкция чизиқларининг туташмасини текшириш.



Андазалар шаблони ёрдамида конструкция чизмасида бириктириладиган қирқимларнинг тенглиги, конструктив қирқимлар туташмалари, назорат кертиклар жойларининг деталларда ўзаро мослиги текширилади (1-расм).

Конструкциянинг ишчи чизмасига ўзгартириш киритилади. Аниқланган нуқсонлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий деталлар нусхаси чизмадан бошқа қоғозга — тикув буюмлари технологияси асосларига ва норматив-техник ҳужжатларга таяниб курилади. Айни ҳолда, чоклар конструкциясида газламаларнинг тўкилувчанлиги ва бичиқларнинг аниқлик даражаси эътиборга олинади. Лекин, газлама киришувчанлигига қўшимча ҳақи конструкция курилган пайтда ҳисобланади ёки газламанинг мўлжалланган киришувчанлигига боғлиқ ҳолда андаза чизмасига киритилади.

Андазалар чизмаси бир миллиметргача аниқликда 1:1 масштабда курилади. Конструкторлик ҳужжатлар ягона система талабларига кўра деталлар чизмасида кийим ўлчамларини батафсил тавсифлайдиган минимал ўлчамлар сони келтирилади. Ҳамма деталларда бичишнинг техник талабларига жавоб берадиган танда ипининг йўналиши ва танда ипидан меъёрлар бўйича руҳсат этилган оғишлар ва назорат кертиклари белгланади.

Андазалар тайёрлашдан аввал буюм деталларининг чизмасида витачкаларнинг ҳамма ўтмас бурчаклари (агар конструкцияда мавжуд бўлса), ён қирқимлар, орт бўлак ўрта қирқими, енг қирқимлари, юбка ва шим қирқимлари бурчаклар учидан мумкин қадар кам четга чиқиш билан силлиқланади.

Кейин орт ва олд бўлаклар деталларининг, енг бўлакларининг юбканинг олд ва орт бўлакларининг ва шим бўлакларининг бир-бири билан бириктирилган чизиқ ва қирқимларининг туташмаси текширилади.

Буюм конструкциясининг чизмалари бўйича асосий ва ҳосила андазаларнинг асл нусхаси тайёрланади, уларда чок ва букиш қўйим ҳақлари кўрсатилади.

Бу андазалар техник усулларда кўпайтирилгандан кейин асосий, ҳосила ва ёрдамчи эталон-андазалар ва ҳамма бўй ҳамда размерларда иш андазалари тайёрланади.

Асосий ва ҳосила эталон-андазаларда ва иш андазаларида деталларни бичиш учун техник талабларга кўра қуйидаги белгилар кўрсатилади:

- танда ипининг йўналиш чизиғи;
- танда ипидан йўл қўйилган четга чиқишлар;
- буюмларнинг тармоқ стандартлари бўйича улоқларнинг жойлашган чизикларида максимал ва минимал эни;
- назорат белгилари – кертиклар (деталларни улашда бир-бирига мослаш учун).

Ёрдамчи андазаларда чўнтаклар виточкалар, тахламалар, измалар, тугмалар ва ҳоказо ўрни белгиланади.

Эталон-андазалар иш андазаларини вақт-вақтида текшириб тиришда ишлатилади. Улар экспериментал цехда сақланади ва ўлчамлар жадвали бўйича камида чоракда бир марта текширилади.

Иш андазалари бевосита саноатда ишлатилади (бичишда, бичиқларни текширишда ва ҳоказо). Улар эталон-андазалар бўйича камида бир ойда бир марта текширилади.

Ёрдамчи андазалар бевосита буюм тайёрлаш жараёнида конструктив элемент ва деталларни ҳамда букиш чизикларини қўшимча белгилаш учун ишлатилади.

Андазалар қалинлиги 0,9-1,62 мм картондан тайёрланади. Ҳаво нисбий намлиги 60-65% бўлганда картоннинг намлиги 8% дан ошмаслиги керак.

Иш андазаларининг хизмат муддатини узайтириш мақсадида уларнинг чети темир билан мағизланади ёки махсус эритма билан елимланади.

Асосий андазалар. Асосий андазалар кийим конструкциясининг чизмаси бўйича тайёрланади; бу андазаларда чок ҳақи, кийим этакларини қайириб букиш, ортиқча жойларни кесиб ташлаш ҳақлар албатта ҳисобга олинган бўлади.

Асосий андазаларга қуйидагилар киритилади: олд бўлак, орт бўлак, енг, юбканинг олд ва орт бўлаклари, шимнинг олд ва орт бўлаклари, юбка ва шимнинг белбоғлари.

2-расмда мисол тариқасида тўғри силуетли, олд ва тирсак қисмларидан иборат ўтказма энгли аёллар кузги-баҳорги пальтоси деталлари асосий андазаларининг тузилиши келтирилган.


ГОСТ 12807-79 «Тикув буюмлари. Қавиқ баҳяқатор ва чоклар таснифи» га мувофиқ қуйидаги расмда орт ва олд бўлақлар, энг деталларининг чок ва букиш ҳақлари (см да) келтирилган.

Аҳолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича кийим тикишда чок учун қўйим, букиш ва захира (запас) ҳақларисиз конструкцияларнинг база андазалари ишлатилади. Бичишда чоклар ва захира ҳақлари колдирилади (2-расм).

Ўтказма энгли буюмларда кертиклар қуйидагича қўйилади: орт бўлақ ўрта қирқимида – бел чизиги сатҳида; олд ва орт бўлақларнинг ён қирқимида – бел ва бўкса қирқимларнинг сатҳида; энгнинг устки ва остки қисмларининг олд қирқимларидан 7-8 см масофада; энгнинг устки ва остки қисмларининг тирсак қирқимларида, тирсак қирқимининг учидан ва энг учидан 9-10 см масофада.

2-расм.

Аёллар энгил пальтоси асосий андазаси чизмаси.



Реглан бичимли буюмларда кертиклар қуйидагича қўйилади: орт ўрта қирқими бўйича – бел чизигида; орт ва олд бўлақларнинг ён қирқимида – бел ва бўкса чизикларининг сатҳида; орт бўлақнинг ўмиз чизигида – ёқа ўмизининг чизигидан 7-8 см масофада биринчи кертик қўйилади, иккинчи – тирсак ўтар чизигининг учида; олд бўлақ ўмизининг учидан 6-7 см масофада биринчи кертик қўйилади, иккинчи – олд ўтар чизик учида.

Енг ўмизга ўтказиладиган чизиклар бўйлаб тўртта кертик қўйилади: олд қисмда – ёқа ўмизининг бурчагидан 6-7 см масофада, тирсак қисмида – орт ёқа ўмизидан 7-8 см масофада; олд қисмда – олд ўтар чизигининг учида; тўртинчи кертик енгнинг тирсак қисмида тирсак ўтар чизигининг учида қўйилади.

Енгнинг олд ва тирсак қисмларининг тепа қирқимларида учта кертик қўйилади: елка нуқтасининг сатҳида; ўмиз чуқурлигининг сатҳида ва енг учининг чизигидан 7-8 см масофада.

Енгнинг олд ва тирсак қисмларининг пастки қирқимларида битта кертик қирқим тепа учидан 6-7 см масофада қўйилади, иккинчи – учининг қирқимидан 7-8 см масофада.

Яхлит бичилган енгли буюмларда кертиклар қуйидагича қўйилади: орт бўлақ ўрта қирқими бўйлаб – бел чизигининг сатҳида; орт ва олд бўлақларнинг ён қирқимида – бел ва бўкса чизиклари сатҳида; олд ва орт бўлақлар енглариининг устки қирқимида: биринчи – елка нуқтасининг сатҳида, иккинчи – енг кенглигини аниқлайдиган қирқим нуқтасининг сатҳида, учинчи – енг учи қирқимидан 7-8 см масофада. Олд ва орт бўлақлар енглариининг остки қирқимларида: биринчи кертик қирқим бурчагидан 8 см масофада қўйилади; иккинчиси – енг учидан 7-8 см масофада.

Ҳосила андазалар. Асосий деталлар андазаларининг чизмасидан тайёрланадиган деталлар андазаси ҳосила андазалар дейилади. Ҳосила андазалар ёрдамида тикув буюмлари конструктив – декоратив элементлар билан безатилади, қирқимларга муайян ишлов берилади, деталлар контурлари аниқланади. Улар буюм шаклининг барқарорлигини таъминлаш жараёнида

қўлланилади. Шу боис ҳосила андазаларнинг ўлчамлари ва шакли асосий андазалар шакли билан боғлиқ ҳолда қурилади. Ҳосила андазалар тайёрлаш асослари бўйича, қуйидагича фарқланади:

Асосий материаллардан бичиладиган деталлар – борт адипи, устки ёқа, чўнтак қопқоқлари, адипи ва кўринмаси;

Астар деталларининг андазалари – олд ва орт бўлаклар, енг, шимнинг олд бўлаклари астари;

Қотирма материаллардан – борт қотирмаси, елка қисмига қўшимча қотирма детали;

Қаватловчи қотирма материалдан – олд бўлак қотирмаси, қирқма, орқа бўлак этаги, ва енг ўмизининг қотирмаси, ён бўлак ўмизи ва этагига, енлар учига, остки ва устки ёқалар ҳамда борт адипининг қотирмалари.

Ҳосила андазалар чизмаси асосий андазалар ишчи чизмаси асосида қурилади. Айни ҳолда, асосий андазаларнинг технологик ишлов усуллари ҳисобга олинади. Ҳосила андазаларнинг контур чизиклари ва технологик қўшимчаларнинг қиймати ишлов усулларига боғлиқ.

Астарбоп ва қотирма материалларда шаклнинг ҳажмийлиги фақат витачка ва қирқимлар каби конструктив воситалар орқали амалга оширилади.

Олд бўлак астарини тузиш борт адипини ички қирқими билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, аввал борт адипи, кейин эса олд бўлак астари қурилади. Борт адипининг шакли бирдек эмас, у бортнинг шакли билан узвий боғлиқ (қайтарма адипли буюмлар; тақилмаси юқоригача етадиган буюмлар; олд бўлак билан яхлит бичилган адип; ёқа билан яхлит бичилган адип). Газламанинг гули ҳам аҳамиятга эга. Адипнинг ички қирқими типик ечимга эга.

Адип андазаси. Уст кийим адипининг андазаси олд бўлак асосий андазаси бўйича, лекин кийдириб кўришдаги аниқлашлар ва қирқиб ташлашларини ҳисобга олмай тузилади.

Астар деталларининг андазалари. Астар андазалари асосий андазалар бўйича қурилади.

торайтирилади, узунлиги эса 1,5 см катталаштирилади. Иккинчи ҳолда эса олд бўлак асосий андазасидан астарга ўзгармай ўтказилади.

Олд ва орт бўлақлар елка қирқимларининг узунлиги аниқланади, лекин орт бўлак елка қирқими $\frac{1}{2}$ кириштириш ҳақиға камайиш ҳисобға олинади.

Этаги уланмаган (ҳоли) астарнинг этак кенглиги бую мшу сатҳидаги кенглигидан торроқ: тўғри буюмларда – 1,5-2см (ён ва борт қирқимлари ҳисобига); этаги кенгайган буюмларда – 3см (ён қирқимлари, рельефлар ва борт қирқими ҳисобига); этаги жуда кенгайган буюмларда – асосий андазаларни этаги бўйича бўш тахламаларнинг ярмиға тенг. Уланадиган астарнинг кенглиги асосий андазаларнинг уланиш чизиғиға тенг. Айни пайтда асосий андазаларда этак букилиш ҳақи 3см, астарнинг этак қирқми асосий андазалар қирқимидан 1см тепароқ жойланади.

Енг қисмлари астарларининг учи енг учининг букланиш чизиғидан 2см пастроқ жойлашиши керак.

Астар деталларининг андазаларини аниқлаш. Астар деталларининг андазалари асосий деталлар андазалари билан қирқимларини устма-уст қўйиб аниқланади. Айни пайтда орт бўлак астарининг ёқа ўмизи асосий андазалардан 0,5-0,6см узунроқ; орт бўлак астарининг елка қирқими асосий андазанинг елка қирқимидан 0,6-0,8см узунроқ; астар андазаларида орт ва олд бўлақларининг енг ўмизи асосий андазалар ўмизидан 0,8-1,3см узунроқ; астарнинг енг қиямаси ўмиз узунлиги ҳамда кириштириш ҳақи 2,5-3смға тенг.


Реглан бичимли буюмларға мос астар деталларининг андазаларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ушбу бичимли буюмлар астар деталларининг андазалари, ўтказма енгли буюмларники каби асосий андазалар бўйича қурилади. Асосий андазалар контуриға қўйимлар қийматидаги баъзи ўзгаришлар бичим хусусиятларига боғлиқ. Реглан бичмли кузги-баҳорги пальто учун астар деталлари андазаларининг қурилиши 4-расмда штрих чизиғида кўрсатилган.

график усулда елка нуктасининг сатҳида тепа қирқим томонга асосий андаза ва астар ўмизларининг фарқига кенгайтирилади. Кенгайтирилган жойларда равон чизиклар тортилади.

Яхлит бичилган энгли буюм астар деталларининг андазаларини куришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ушбу бичимдаги буюмларга мосланган астар деталларининг андазалари остки қисми хиштакка ўтган яхлит бичилган энгли буюмлар конструкциясининг асосий андазаларига биноан курилади. Енги яхлит бичилган буюмлар астарининг андазаларини куришда қўйимлар қийматлари ўтказма энгли буюмлар қийматларига ўхшаш. Лекин орт бўлак ўрта чокинининг қўйими (2см) бундан мустасно, чунки у тўқислик қўшимчаси билан астар қсмларини бирлаштирувчи (ўрта чок) чок ҳақини ўз ичига олади. Асосий ндазага нисбатан ён қирқимнинг тепаси ўзгармайди. Астарда қирқимнинг узунлиги 1см узайтирилади.

5-расм.

Яхлит бичилган энгли аёллар энгил пальтоси астар деталларининг андазалари.



Енги яхлит бичилган буюмларда ўтказма энгли астар андазалари ҳам қўлланади (5-расм). Астарбоп газламаларни тежаш мақсадида астарнинг бундай

конструкцияси оқилонадир. Бу усул бўйича астар деталларининг андазаларини қуришда елка нуқтасини хиштак учун мўлжалланган қирқим нуқтаси билан бирлаштириладиган ўтказма енг қирқими белгиланади, хиштак андазасининг қисми орт бўлак ва олд бўлак ва асосий андазаларга қўшилади. Қирқиш чизиқлари бўйлаб орт ва олд бўлакларга, енг қиямасига ва остки қисмининг тепасига 1см чок ҳақи қўшилади, булардан сўнг олд ва орт бўлаклар астарларининг андазалари ўтказма енгли буюмлар астарининг андазасига ўхшаш тузилади.

Енг қиямасининг тўқислигига қўшимча 1смга катталаштирилади, остки бўлагининг тепасида эса 1см га камайтирилади. Қуришнинг давоми ўтказма енгли астар деталларининг тузилишига ўхшаш. Олд бўлак елка айланмасининг атрофидаги тепа қирқимда лойиҳаланган чўзиб дазмоллаш ҳақи, астарда енгнинг олд бўлак қиямасига қўшилади. Енг олд бўлаги устки қирқимининг узунлиги тирсак қирқимининг устки қирқимига тенглаштирилади.

Ёрдамчи андазалар. Ёрдамчи андазалар деталларнинг бўрли контур чизиқларини ўтказишда ва деталлар қирқимларини аниқлашда қўлланади.

Бўрли чизиқлар деталларда чоклар, қавиқлар ўтказиладиган жараёнлари ҳамда бошқа деталларни қўйиб бириктириш жойларини, витачка ва тахламларни, яъни детал контурининг ичидаги чизиқларни белгилашда ишлатилади.

Қирқимларни аниқлашда ишлатиладиган ёрдамчи андазалардан борт четларини, буюм этагини ҳамда остки ёқа шаклини, яъни ташқи контурларни аниқлаб қирқишда фойдаланилади.

Ёрдамчи андазалар асосий ва ҳосила деталлар андазалари асосида қурилади. Уларнинг чизмалари стандарт талабларга кўра тузилади.

Тикувчилик саноатида ишчи чизмалар асосида, эталон андазалар ва ишчи андазалар тайёрланади. Эталон андазалар андазаларнинг ишчи чизмасига айнан мувофиқ келади. Улар экспереиментал цехда сақланиб ишчи андазаларни назорат қилишда ишлатилади. Эталон андазаларнинг сифати ўз вақтида, ўлчамлар жадвали ёки ишч чизма билан солиштириб турилади.

Асосий деталларнинг ишчи андазалари бевосита ишлаб чиқариш жараёнида бўрлама тузиш, бичиқларни қирқиш ва деталлар контурларини аниқлаш учун ишлатилади.

Асосий, ишчи ва ёрдамчи андазалар 0,87-1,62мм калинликдаги прессшпан картонидан тайёрланади.

Андозаларни расмийлаштиришга қўйиладиган техник талаблар.

Асосий, ҳосила, эталон андазаларда, ишчи андазаларда деталларни бичиш ва уларга технологик ишлов беришга оид техник талаблар тўғрисида маълумот белгилари қўйилади.

Деталлар андазаларида қуйидаги кетма-кетликда маркировка маълумотлари келтирилади:

- андазалар номи (эталон ёки оригинал);
- тикув буюмнинг номи;
- модел рақами;
- андазалар вазифаси (асосий, ҳосила, ёрдамчи ва ҳоказо);
- детал номи;
- тикув буюмининг размери (бўй, кўкрак айланаси, бел ёки бўкса айланаси),см;
- модел тавсия қилинган бўй ва ўлчам чегаралари, масалан (158-170) – (88-100);
- конструктив асосининг рақами;
- конструкторнинг вамилияси ва имзоси;
- ишлаб чиқилган сана;
- текширган катта ёки бош конструкторнинг имзоси, сана.

Оригинал ва эталон андозаларда қуйидаги жойларнинг ўлчаш чизиқлари белгиланади: «кўкрак кенглиги» ўлчам чизиғида олд бўлак кенглиги; «орқа кенглиги» сатҳида орқа бўлак кенглиги; ўмиз чуқурлиги сатҳида буюмнинг кенглиги; бел, бўкса, этак чизиқларида олд ва орқа бўлақлар кенглиги. Енг андазаларида енг қиямасининг баландлиги, тирсак ва енг учи чизиқлари кўрсатилади.

Оригинал, эталон ва ишчи андазалар асосий деталларининг бирида буюм комплектини тузувчи барча андазаларнинг рўйхати – деталлар спецификацияси келтирилган. Андазаларда қуйидаги белгилар кўрсатилган:

- танда ипи йўналиши;
- танда ипининг йўналишида йўл қўйилган оғиш чизиклари;
- тармоқ стандартларига биноан деталлар улоқларининг йўл қўйилган жойи ва кенглиги;
- деталларни бириктиришда ишлатиладиган назорат кертиклари.

Эталон ва ишчи андазалар комплектининг барча деталлари четидан 1мм масофада ҳар 8-10смда тамғаланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қандай андаза турлари мавжуд?
2. Андаза чизмаларини қуришда қандай техник қоидаларга риоя қилиш керак?
3. Асосий андазаларни ишлаб чиқиш ҳақида нималар биласиз?
4. Ҳосила ва ёрдамчи андазалар ҳақида нималар биласиз?

Адабиётлар:

1. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К., Тикувчилик буюмларини конструкциялаш. - Т.: 2003.
2. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини конструкциялаш. - Т.: «Ўқитувчи», 1997.
3. Куренова С.К., Савельева Н.Ю. Конструирование одежды М.: Ростов-на Дону Феникс, 2003.
4. Амирова Э.К., Саккулина О.В., Саккулин Б.С., Труханова А.Т. Конструирование одежды М.: 2001.

**МАВЗУ. “Аёллар елкали кийимларини андазалар
чизмасини тайёрлаш ”**

**Ўқув машғулотларини олиб бориш технологияси модели
(Маъруза 2-соат, семинар 4-соат)**

| | |
|---|---|
| Ўқувчиларлар сони – 25 та | Дарс вақти – 6 соат |
| Машғулот шакли | Маълумот бериш маърузаси Амалий кўникмаларни шакллантириш |
| Машғулот режаси | <p>Маъруза машғулоти бўйича:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Андазалар турлари ва уларни қуриш асослари. 2. Асосий андазалар. 3. Ҳосила андазалар. 4. Ёрдамчи андазалар. 5. Андазаларни расмийлаштиришга қўйиладиган техник талаблар. <p>Амалий машғулот бўйича:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Андазалар чизмаларини қуриш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш, конструкция чизмасидан алоҳида деталлар чизмаларини кўчириб олиш. 2. Андазалардаги технологик қўшимчалар катталигини ҳисоблаш. 3. Асосий андаза контурларини чизиш. Андазаларни қирқиш. 4. Ҳосила деталлар андозаларини ва буюмнинг берилган узели учун ёрдамчи андозалар чизмаларини қуриш схемасини ишлаб чиқиш. 5. Асосий материалдан бичиладиган ҳосила деталлар андозаларини ишчи чизмаларини қуриш. 6. Астар ва қотирма деталлари андозаларини ишчи чизмаларини қуриш. |
| Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқувчиларда андазалар турлари, уларга қўйиладиган ва уларни қуриш қонун-қоидалари ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш. | |
| Таянч тушунча ва иборалар | Конструкция, андаза, асосий андаза, ҳосила андаза, ёрдамчи андаза, эталон, ишчи, кертик, контур, қирқим. |
| Педагогик вазифалар: | Ўқув фаолияти натижалари: |
| Андазаларни мавжуд турлари билан таништириш | Андаза турлари билан танишадилар |

| | |
|---|---|
| Андазаларни куриш асосларини ўргатиш | Андазалар чизмаларини куришни асосий қоидаларини ўрганадилар |
| Асосий андазалар ва уларни ишлаб чиқиш ҳақида маълумот бериш | Асосий андазалар ва уларни куриш ҳақида фикр билдирадилар |
| Ҳосила андазалар ва уларни ишлаб чиқиш ҳақида маълумот бериш | Ҳосила андазалар ва уларни куриш ҳақида фикр билдрадлар |
| Ёрдамчи андазалар ва уларни қўлланилиши ҳақида тушунча бериш | Ёрдамчи андазалар ҳақида фикр билдирадилар |
| Андазаларга қўйиладиган талаблар ва норматив ҳужжатлар билан ўқувчиларни таништириш | Белгиланган норматив-ҳужжатлар талаблари асосида андоза куришни ўргандилар |
| Андазаларни расмийлаштиришга қўйиладиган техник талаблар билан таништириш | Андазаларни расмийлаштиришга қўйиладган техник талаблар билан танишадилар |
| Ўқувчиларга андаза чизмасини куриш бўйича амалий намуна кўрсатиш | Ўқувчилар бир қанча турдаги кийимлар андазаларини куриб, андазалар чизмасини куриш бўйича амалий малакага эга бўлдилар |
| Ўқитиш усуллари ва техника | Маъруза, суҳбат, «кластер», “зинама-зина”, «тезда эскизлаш», жадваллар |
| Ўқитиш воситалари | Маърузалар матни, слайдлар, проектор, плакатлар, тарқатма материаллар |
| Ўқитиш шакллари | Жамоа ва гуруҳларда ишлаш |
| Ўқитиш шарт-шароити | Техник воситалар билан таъминланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Чизмаларни текшириш, савол-жавоб |
| Адабиётлар | <ol style="list-style-type: none"> 1. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К., Тикувчилик буюмларини конструкциялаш. - Т.: 2003. 2. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини конструкциялаш. - Т.: «Ўқитувчи», 1997. 3. Куренова С.К., Савельева Н.Ю. «Конструирование одежды» М.: Ростов-на Дону Феникс, 2003. 4. Амирова Э.К., Саккулина О.В., Саккулин Б.С., Труханова А.Т. «Контруирование одежды» М.: 2001. 5. www.allbest.ru. |

Маърузанинг технологик харитаси

| Фаолият босқичлари | Фаолият мазмуни | |
|--|--|--|
| | Ўқитувчи | Ўқувчи |
| 1-босқич. Кириш (10 дақиқа) | <p>1.1. Маъруза учун олдиндан тузилган режани талабалар диққатига ҳавола қилади ва ҳар бири билан таништиради.</p> <p>1.2. Мавзуни, мақсад ва эришиш лозим бўлган ўқув натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.3. Мавзуга оид кўргазмали куролларни доскага илиб қўяди ва «тезда эскизлаш» методи шартларини баён қилади.</p> | <p>1.1. Ўзларига қайд қиладилар.</p> <p>1.2. Тинглайдилар.</p> <p>1.3. Танишиб чиқадилар.</p> |
| 2-босқич. Асосий. (60 дақиқа) | <p>2.1. Кластер методи орқали ўқувчиларни андазалар турлари билан таништиради.</p> <p>2.2. Маъруза давомида асосий, ҳосила ва ёрдамчи андазаларни қуриш ҳақидаги маълумотларни баён этади.</p> <p>2.3. Тақдимот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга андазаларни қуриш схемаларни ҳавола этади.</p> <p>2.4. «Тезда эскизлаш» методини қўллаб, ўқувчиларга стенддаги андазалар чизмасини тезда чизишларини айтади.</p> | <p>2.1. Ўзларига қайд қиладилар.</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Танишиб чиқадилар.</p> <p>2.4. Андазалар чизмасини чизадилар.</p> |
| 3-босқич. Якуний. (10 дақиқа) | <p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулосаларни баён этади.</p> <p>3.2. Ўқувчиларни маъруза дафтарларини йиғиб олиб, чизган эскизларини текширади ва қайтариб беради.</p> <p>3.3. Кейинги мавзуни мустақил ўқиб чиқишни тавсия этади.</p> | <p>3.1. Фикр билдирадилар.</p> <p>3.2. Дафтарларини берадилар.</p> <p>3.3. Тинглайдилар.</p> |

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

1-машғулот мавзуси: Аёллар елкали кийимларини асосий андазалари чизмасини ишлаб чиқиш

Ишдан мақсад: Асосий андазаларга қўйиладиган талаблар ва уларни куришнинг техник қоидалари ва тартибини ўрганиш, андазалар чизмаларини куриш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Режа:

1. Андазалар чизмаларини куриш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш, конструкция чизмасидан алоҳида деталлар чизмаларини кўчириб олиш.
2. Андазалардаги технологик қўшимчалар катталигини ҳисоблаш.
3. Андаза контурларини чизиш. Андазаларни қирқиш.

Қўлланма ва асбоб-ускуналар: аёллар елкали кийими асосий деталларининг конструкция чизмалари чизилган тарқатма материал, чизмачилик асбоблари, калька қоғоз, А4 форматли қоғоз. қайчи.

Услубий тавсиялар

Ишни 3-4 кишилик ўқувчидан иборат гуруҳлар бажаради. Ҳар бир гуруҳ олган топшириғи асосида асосий деталлар андазаларини курадилар ва гуруҳ аъзоларидан бири қилинаётган ишларни битта А4 форматли қоғозга қайд қилиб боради.

1. Андазалар чизмаларини куриш учун қуйидаги маълумотларни йиғиш зарур: танда ипи йўналиши, моделлаштирилган конструкция чизмаси, буюм узелларининг йиғма чизмаси (технологик ишлов бериш усуллари), буюмни тайёрлашга тавсия этилаётган материал хусусиятлари.

1.1. Андаза куриладиган технологик чизма қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак: конструктив чизиқлар (кўкрак, бел, бўкса, витачка ўрни ва ҳоказолар); ҳар бир деталда танда ипи йўналиши: детал қирқимларида назорат кертиклари; қирқимларни деформацияланиш даражаси; ўлчам ва размер назорат чизиқлари.

1.2. Кийим деталларида танда ипи йўналиши ва руҳсат этилган оғишлар (фоизда) деталларни тўшамага жойлаштиришнинг техник талабларига

асосланган ҳолда аниқланади. Алоҳида ҳолларда эса деталларда танда ипи йўналиши моделга мувофиқ белгиланади (масалан, диаганал бўйича бичилса). Катак газламадан ёки йўл-йўл газламадан ўтказма енг деталларини бичганда танда ипи йўналиши шундай олинадик, тайёр буюмда чизиқлар бир-бирига мос тушиши керак. Деталларни жойлашмада жойлаштиришга қулай бўлиши учун танда ипи йўналиши андазанинг бутун узунлиги бўйича ўтказилади.

Ўқувчилар 7-иловадан фойдаланиб қуйидаги жадвални тўлдирадилар.

**Деталларда танда ипининг номинал йўналиши ва
улардан йўл қўйилган оғишлар**

| № | Деталлар номи | Танда ипининг йўналиши | Танда ипидан йўл қўйилган оғишлар, % |
|---|---------------|------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |

1.3. Назорат кертикларининг сони ва жойлашиш ўрни тикишда қўлланиладиган ускуна тури, операцияларни бажариш тартиби ва бошқаларга боғлиқ аниқланади. Одатда 40-50 смдан узун қирқимларда қирқим учларидан тахминан 10 см масофада иккитадан кам бўлмаган кертиклар қўйилади. Енг қиямаси ва ўмизда камида 4-5 та кертик қўйилади. Ёқада албатта елка чокини ҳолатига мос келадиган кертик бўлиши керак. Ўқувчилар қирқимларда кертиклар жойлашишини ўрганиб чиқиб қуйидаги жадвални тўлдирадилар.

Андазаларда кертиклар қўйиш жойларининг рўйхати


| № | Деталлар қирқимлари номи | Деталлар жойлашган ўрни |
|---|--------------------------|-------------------------|
| 1 | 2 | 3 |
| | | |

1.4. Деталлар чизмаларида назорат чизиқлари устига назорат ўлчамлари ҳақидаги ёзувлар ёзилади. Назорат ўлчамларига: размер ёки узунлик шкаласи белгилари, қўшимчалар катталиги киради. Ҳар бир детал чизмаси ўзининг ички чизиқлари, назорат кертиклари билан конструкция чизмасидан калька қоғозига кўчириб олинадик. Бундай кўчириб олиш усули етарли аниқликни талаб этади.

2. Андазаларни ишчи чизмасида технологик чок ҳақларини ҳисоблаш буюм узелларининг йиғма чизмалари асосида деталларни алоҳида қисмларга қирқиб ажратиш ҳақини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Детал контурларини аниқлаштириш зарурияти жараён ичидаги деталлар шакли ва размерини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган шакллантириш ва қотирмалаш операциялари натижасида туғилади. Елка кийимларни тайёрлашда, одатда, буюмнинг пастки қирқими чизиғи, олд бўлак бўйин ўмизи ва остки ёқа қирқимлари аниқлаштирилади ($\Pi_{\text{под}}=0,5 \dots 0,7$ см).

1-расм.

Аёллар енгил пальтоси асосий андазалари



Елка кийимларда асосий бириктирма чоклар (ён, елка қирқимлари ва бошқалар) 1 см кенгликда, енг пастки қисмини букиш чизиғи 3 см, зий бўйлаб бостирма чоклар 0,7 см қилиб лойиҳаланади. Қолганлари $\Pi_{\text{Тш}}$ (солқи ва материал қалинлигига қўшимчалар) материал қалинлигига боғлиқ равишда аниқланади (1-расм).

Астарсиз кийимларда чок ҳақи газламанинг титилувчанлиги ва ипларининг зичлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Кийимларнинг очик қирқимли чок билан тикилган, ҳаракат натижасида кўп тортиладиган ва ишқаланадиган жойларида чок ҳақи кенгроқ олинади (масалан, енг ўмизга 1,25-1,5 смли чок билан ўтказилади).

Ўқувчилар 6-иловадан фойдаланиб қуйидаги жадвални тўлдирадилар:

Андазалардаги чок ҳақлари

| № | Қирқимлар номи | Чок ҳақлари |
|---|----------------|-------------|
| 1 | 2 | 3 |
| | | |


3. Олинган чок ҳақлари кенгликларини кўчириб олинган деталлар контурларига қўйиб андазаларни ички контур чизиқларини чизилади. Назорат чизиқлари бўйича қўйилган ўлчамлар технологик чок ҳақлари ҳақидаги маълумотларни ҳам ифодалайди.

3.1. Ишлов бериш белгилари чок чизиғидан белгиланган чок ҳақи қирқимиға (стандарт кертиклар) кўчирилади. Агар буюмға ишлов беришда бир детал кертиги билан бошқа детал чоки яқунланса, кертик йўналтириш чоки билан бирлаштиришға қулай жойға қўйилади.

3.2. Андаза контурлари ишлов бериш усуллари асосида чокларни юритиш кетма-кетлигини инобатға олган ҳолда лойиҳаланади (2-расм).

2-расм.

Икки чокли енг андаза контурларига ишлов бериш




Аввало, биринчи бўлиб бириктириладиган деталлар қирқимлари лойиҳаланади ва қирқилади. Бундай қирқимларға ички деталлар қирқимлари (кокеткалар, рельефлар ва бошқалар), агар бундай деталлар бўлмаса, ён, ўрта ва елка қирқимлари киритилади. Бир номли қирқимларни лойиҳалашда аввал бита

детал қирқиб олинади (масалан, устки енг), кейин унинг ёрдамида иккинчи детал қирқимининг тузилиши ва ўлчами текширилади (остки енг), ундан кейин иккинчи детал ҳам қирқилади.

3.3. Тайёр буюмда чок ҳақларини қайси томонга ётишини ҳисобга олган ҳолда детал қирқимларининг охирларига (учларига) алоҳида ишлов берилади (3-расм). Чок ҳақи ётган томондаги детал шакли қирқимлар учларида шакллантирилади.

3-расм.

Елка қирқими учларига ишлов бериш



3.4. Детал қирқимлари учлари лойиҳалангандан сўнг эталон-андазалар яна қирқилади. Эталон-андазаларни лойиҳалаш деталларга спецификация маълумотларини киритиш билан якунланади: буюм номи, модел рақами, размер, детал номи, материал, шифр (унификацияланган деталлар қўлланганда), бичиқ деталлар сони, конструктор фамилияси ва имзоси, ишлаб чиқариш санаси.

Ўқувчилар ишлаб чиқилган андазалар комплекти учун қуйидаги жадвал кўринишида содда шаклдаги деталлар спецификациясини тузادилар.

Деталлар спецификацияси

| № | Буюм деталларининг номи | Детал кодининг белгиси | Сони | | Изох |
|---|-------------------------|------------------------------|-----------|----------|------|
| | | | андазалар | деталлар | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

Ҳар бир гуруҳ ўзи ишлаб чиққан андазалар комплектини доскага тағма-тағ (зина шаклида) илади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ андазалари сифатини текширади ва ҳар бир ўқувчини савол-жавоб қилиб баҳолайди.

Назорат саволлари:

1. Деталлар қирқимларига ишлов беришнинг технологик асоси нимада? Қандай қирқимларга технологик ишлов бера оласиз?
2. Андазаларда қандай усул билан енг қиямаси узунлиги ва ўмиз узунлигини яхлит ва кертиклар оралиғида текшириш мумкин?
3. Астарли ва астарсиз кийимлар андазалари контур чизиқларини лойиҳалашда қандай фарқли жиҳатлар мавжуд?

1.

Адабиётлар:

1. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини конструкциялаш. - Т. Ўқитувчи, 1997. 228-233 бетлар.
2. Куренова С.К., Савельева Н.Ю. «Конструирование одежды» М.: Ростов-на Дону Феникс, 2003 г.

**Амалий машғулотнинг технологик харитаси
(1-машғулот)**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|---|
| | Ўқитувчи | Ўқувчи |
| 1-босқич. Кириш (10 минут) | <p>1.1. Амалий машғулотнинг мақсади ва кутилаётган натижаларини баён этади.</p> <p>1.2. Андазаларни қуриш бўйича талабаларга қисқача маълумот беради.</p> <p>1.3. Ўқувчиларни 2-3 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади.</p> | <p>1.1. Тинглашади.</p> <p>1.2. Ўзларига қайд қилишида.</p> <p>1.3. Андаза чизмасини қуришга тайёргарлик кўришади.</p> |
| 2-босқич. Асосий қисм (60 минут) | <p>2.1. Ўқувчиларни «Зинама-зина» технологияси шартлари билан таништиради (1-слайд).</p> <p>2.2. Ҳар бир гуруҳга топшириқлар келтирилган тарқатма материал тарқатилади.</p> <p>2.3. Топшириқни бажариш бўйича ўқувчиларга керакли кўрсатмаларни беради.</p> <p>2.4. Топшириқларни якунлаш вақтини белгилайди.</p> <p>2.5. Топшириқларни ошиш учун доскага жадвал чизади (2-слайд).</p> | <p>2.1. Тинглайдилар.</p> <p>2.2. Топшириқ билан танишиб чиқадиладар.</p> <p>2.3. Топшириқда берилган модел конструкциядан деталларни тушириб олиб, улар асосида асосий андазалар чизмаларини курадилар.</p> <p>2.4. Топшириқни белгиланган вақтда якунлаб, чизмаларни ўқитувчи столига қўядилар, қайд варақларини доскага кетма-кет ошиб қўядилар.</p> |
| 3-босқич. Якуний қисм (10 минут) | <p>3.1 Чизмалар сифатини текширади, доскага осилган қайдларни ўқиб таҳлил қилади.</p> <p>3.2. Ҳар бир талабани мавзу бўйича савол-жавоб қилиб баҳолайди.</p> <p>3.3. Уй вазифаси сифатида елкали кийимлар асосий андазаларини 1:1 масштабда қуриб келишларини айтади.</p> | <p>3.1. Фикр билдирадилар.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олишади.</p> <p>3.3. Ўзларига қайд қилишади.</p> |

2-машғулот мавзуси: Аёллар елкали кийими ҳосила ва ёрдамчи андазаларини ишлаб чиқиш

Ишдан мақсад: Ҳосила ва ёрдамчи андазаларни қуришни усуллари, уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш. Асосий, астар ва қотирма материаллардан бичиладиган ҳосила деталлар андазалари чизмаларини қуриш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Машғулот режаси:

1. Ҳосила деталлар андозаларига қўйиладиган талабларни ўрганиш.
2. Ҳосила деталлар андозаларини ва буюмнинг берилган узели учун ёрдамчи андозалар чизмаларини қуриш схемасини ишлаб чиқиш.
3. Асосий материалдан бичиладиган ҳосила деталлар андозаларини ишчи чизмаларини қуриш.
4. Астар деталлари андозаларини ишчи чизмаларини қуриш.
5. Қотирма деталлари андозаларини ишчи чизмаларини қуриш.

Қўлланма ва асбоб-ускуналар: кийим узеллари конструкциясининг йиғма чизмаси, аёллар пальтосини асосий деталлари андазалари.

Услубий тавсиялар

Ишни 2-3 кишилик ўқувчидан иборат гуруҳлар бажаради. Ҳар бир гуруҳ олдинги дарсда қурган асосий андазалар чизмалари асосида ҳосила ва ёрдамчи андазалар чизмаларини қурадилар ва бир киши қилинаётган ишларни битта қоғозга қайд қилиб боради.

1. Ҳосила деталлар конструкцияси сифати уларнинг технологиялаштирилганлик даражасидан аниқланади. Минимал материал ва меҳнат сарфига ҳосила деталлари конструкциясининг аниқлиги орқали эришилади. Чунки конструкциянинг аниқлиги жараён давомида кийинчиликларсиз ҳосила деталларни асосий деталларга бириктириш имконини беради.

1.1. Ҳосила деталларнинг андазалари асосий деталлар эталон-андазалари чизмаси асосида ишлаб чиқилади. Ҳар бир детал андозасини қуриш схемаси,

тайёр буюм узеллари конструкциясидан, буюм узелларига ишлов бериш усулларида келиб чиққан ҳолда, алоҳида тасвирланган бўлиши керак.

1.2. Ҳосила деталлар андазаларини қуриш схемасини ишлаб чиқишда қуйидаги буюм пакетига кирувчи материаллар хусусиятлари ҳисобга олинади:

- киришувчанлиги (масалан, астар деталларида танда ипи йўналиши бўйича киришувчанликка қўшимча берилади, чунки одатда астар материалнинг киришувчанлиги асосий материалнинг киришувчанлигидан катта бўлади);

- чўзилувчанлиги (кам чўзиладиган материаллардан тикиладиган кийимларда ҳаракат натижасида тортиладиган қисмларига бемалоллик қўшимчалари берилади);

- шакл сақлаш хусусияти (шакл сақлаш хусусияти паст бўлган материаллардан бичилган деталларда шакл ҳосил қилишни конструктив йўлларида фойдаланилади, витачақалар қўйилади, рельеф чоклар қўлланилади).


1.3. Астарлик буюмлар учун ишлаб чиқилган андазаларни назорат қилишда асосий ва ҳосила деталлар ўлчамлари мослиги текширилади: асосий конструктив қисмлар кенглилиги, қия чизиқли бўйин ва енг ўмизи қирқимлари узунлиги ва бошқалар.

2. Ҳосила деталлар андазаларини қуриш схемасини ишлаб чиқиш учун ҳар бир талаба топшириқ сифатида устки кийимнинг аниқ бир узели конструкциясининг йиғма чизмасини олади.

Мисол учун 1-расмда устки кийимнинг айрим узеллари конструкция чизмаси келтирилган.


2.1. Схемани ишлаб чиқиш берилган узел чизмасини ўрганишдан (ташқил этадиган деталлар, пакет материалларининг қалинлиги) ва материални танда ипи бўйича киришиш даражасини (фоиз) ҳамда чўзилувчанлигини танлашдан бошланади. Кейин узелга ишлов бериш усуллари таҳлил қилиниб, асосий деталларга боғлиқ равишда ҳосила деталларига керакли қўшимчалар берилади. Қуриш схемаси масштабда чизилади.

Аёллар елкали кийими узелларининг конструкцияси



а – аёллар енгил пальтоси ёқаси; б – аёллар енгил пальтоси енги.

Аёллар енгил пальтоси ёқасининг ҳосила ва ёрдамчи андазаларини куриш



2.2. Мисол сифатида 2-расмда 1-расмда конструкцияси келтирилган ёқани ёрдамчи андазалари ва ҳосила деталлари андазаларини қуриш схемаси кўрсатилган. Остки ёқа асосий деталида 1 (2-расм, а) чок ҳақидан $\Pi_{\text{тш}}$ ташқари, ёқа учлари ва ташқи қирқимиға саноатда ишлатилаётган технологиядан келиб чиққан ҳолда алоҳида қўшимча $\Pi_{\text{тод}}$ берилган. Ёқани кесиш учун қўлланиладиган ёрдамчи андазани 2 (2-расм, б) остки ёқа андазаси 1 асосида ўрта қирқим чок ҳақи ва қирқиш ҳақини олиб ташлаган ҳолда олинади.

2.3. Елим қотирма детали 3 (22-расм, в) остки ёқаға 1 шундай уланиши керакки, қотирма қирқимлари преслаш жараёнида прессға ёпишмаслиги учун асосий детал қирқимларидан ичкарироқда бўлиши керак, шунингдек қотирма қирқимлари чокдан узоқда жойлашган бўлиши керак. Шунинг учун қотирма андазаси 3 остки ёқа андазаси 1 асосида қирқимларидан 0,3 см олиб ташлаб тайёрланади.

2.4. Устки ёқа андазаси 4 (2-расм, г) ёқани кесишда қўлланиладиган ёрдамчи андаза 2 асосида олинади, тикиш жараёнида устки материални қалинлигига боғлиқ равишда кант ҳосил қилиш учун қўшимча $\Pi_{\text{ткант}}$ ва остки ёқани эгилиб ёқа кўтармасини ҳосил қилишиға қўшимчани $\Pi_{\text{тог}}$ ҳисобға олган ҳолда.

2.5. Ёқа учларини тикиш чизиқларини белгилаш учун кесишда қўлланиладиган андаза 2 асосида ёрдамчи андаза 5 қурилади (2-расм, д). Ҳар қандай ёрдамчи андаза асосий деталлар эталон-андазалари ёки ярим тайёр маҳсулотни айни вақтдаги ҳолатини аниқлайдиган ёрдамчи андазалар асосида олинади. Шунингдек андазаларни қуришда операцияларни бажарилиш вақтида деталлар размерларининг ўзгариши инобатга олинади. Ёрдамчи андазаларни ишчи қирқимлари (белгилаш чизиқлари) чизмада белги қўйиладиган бўр ёки қалам қалинлигини инобатга олган ҳолда аниқланади. Ёрдамчи андазаларнинг детал қирқимлари ёки ишлов бериладиган чегаралари билан устма-уст тушадиган чегаралари етарли даражада белгилаш аниқлигини таъминлаши керак.

3. Ҳосила деталлар андазалари чизмаларини талабалар айнан саноатда мавжуд бўлган қуриш схемалари асосида қурадилар.

3.1. Адипнинг андаза чизмаси олд бўлак андаза чизмасида қурилади. Адип андазасини қуришда қуйидагилар бажарилади: олд бўлак ёқа ўмизидан 1 см олиб ташланади; лацкан қирқими бўйлаб материал қалинлигини ҳисобга олган ҳолда кант ҳосил қилиш учун 1,2-1,4 см қўшимча берилади; елкада бўйин ўмизидан 3 см, буюм этагида олд қирқимдан 10 см масофадан адип ички қирқими ўтказилади.

3.2. Устки ёқа андаза чизмаси 2.4. бандда келтирилган тартибда қурилади. Чўнтак ўлчами ва шакли ёрдамчи андазаларда белгиланган чўнтак ўрни ва модел хусусиятларига боғлиқ равишда аниқланади.

3.3. Асосий материалдан бичиладиган ҳосила деталларга шунингдек бўйин ўмизи мағизи, белбоғ, хлястик ва бошқа деталлар киради. Бўйин ўмизи мағизининг шакли орт бўлак бўйин ўмизининг шаклига мос равишда олинади, кенглиги эса ички қирқимига ишлов бериш усулига боғлиқ ва бу кенглик 3-4 см атрофида бўлиши мумкин.

4. Олд ва орт бўлак астар андазаларини ишчи чизмалари олд ва орт бўлак асосий андазалари чизмалари асосида адип андазаси қурилгандан сўнг қурилади. 3-расмда аёллар пальтоси олд ва орт бўлагининг астар андазасини қуриш схемаси келтирилган.

4.1. Талабалар астар андазаларини қуришда қуйидагиларни инобатга олишлари керак: материалнинг киришувчанлик даражаси, чўзилувчанлиги, лацкан чизиғи бўйлаб олд бўлак ва адипни букилиш даражаси. Шунингдек олд ва орт бўлак астарига шакл бериш масаласига ҳам эътибор бериш керак. Одатда рельеф чокли уст кийимларда ҳам олд бўлак астари яхлит ва орт бўлак астари эса ўрта чокли қилиб лойиҳаланади, яъни астар деталларида рельеф қирқимлари бўлмайди.


4.2. Енг астари андазасини қуриш ҳам алоҳида хусусиятларга эга (3-расм). Енг қиямасининг остки қисмига 3,5 см қўшимча берилади (бу астар материални киришишига ва ҳаракат бемаллоллигига берилган қўшимчалар

йиғиндиси). Бунинг натижасида энг қиямаси қисқариб солқи миқдори камаяди. Астарда энг қиямаси учун солқи 1-1,5см атрофида лойиҳаланади. Солқи миқдорини меъёрлаштириш учун энг қиямасини 1см юқорига кўтарилади.

5. Ҳозирги вақтда устки кийимларда алоҳида деталлар ёки уларнинг қисмларига энгил қотирма материаллар билан ишлов берилмоқда. Олд бўлакни фронтал қотирмалаш натижасида адипнинг қотирмалар қатлами қисқарди. Шундан келиб чиққан ҳолда, аёллар елкали кийимлари баъзан умуман адип қотирмасисиз тайёрланмоқда.

3-расм.

Аёллар энгил пальтосини астар андазалари



Назорат саволлари:

1. Ҳосила деталлар андазалари қандай тартибда курилади?
2. Асосий, астарлик ва қотирма материаллардан тайёрланадиган ҳосила деталларга нималар кирди?
3. Ёрдамчи андазаларга нималар киради ва улар қандай вазифаларни бажаради?

Адабиётлар:

1. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини конструкциялаш Т. «Ўқитувчи», 1997. 228-233 бетлар.

2. Куренова С.К., Савельева Н.Ю., Конструирование одежды М.: Ростов-на Дону Феникс, 2003 г.

**Амалий машғулотнинг технологик харитаси
(2-машғулот)**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|--|--|
| | Ўқитувчи | Ўқувчи |
| 1-босқич. Кириш (10 минут) | 1.1. Амалий машғулотнинг мақсади ва кутилаётган натижаларини баён этади. 1.2. Ҳосила ва ёрдамчи андазаларни қуриш бўйича талабаларга қисқача маълумот беради. 1.3. Ўқувчиларни 2-3 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади. | 1.1. Тинглашади. 1.2. Ўзларига қайд қилишида. 1.3. Андаза чизмасини қуришга тайёргарлик кўришади. |
| 2-босқич. Асосий қисм (60 минут) | 2.1. Ўқувчиларга «Зинама-зина» технологияси шартларини эслатиб ўтади. 2.2. Ҳар бир гуруҳга тайёрлаб келган асосий андазаларини олишларини айтади. 2.3. Асосий андазадан ҳосила ва ёрдамчи андазалар чизмаларини олиш бўйича ўқувчиларга керакли кўрсатмаларни беради. 2.4. Топшириқларни якунлаш вақтини белгилайди. 2.5. Топшириқларни олиш учун доскага жадвал чизади. | 2.1. Тинглайдилар. 2.2. Топшириқ билан танишиб чиқадилар. 2.3. Асосий андазадан ҳосила ва ёрдамчи андазалар чизмаларини курадилар. 2.4. Топшириқни белгиланган вақтда якунлаб, доскага кетма-кет олиб кўядилар. |
| 3-босқич. Якуний қисм (10 минут) | 3.1. Чизмалар сифатини текширади, доскага осилган қайдларни ўқиб таҳлил қилади. 3.2. Ҳар бир ўқувчини мавзу бўйича савол-жавоб қилиб баҳолайди. 3.3. Мустақил иш учун топшириқлар беради. | 3.1. Фикр билдирадилар. 3.2. Топшириқни ёзиб олишади. 3.3. Ўзларига қайд қилишади. |

1. Аёллар кўйлагини асосий ва ҳосила андазалари чизмаларини ишлаб чиқиш.
2. Аёллар енгил пальтосини асосий андазаларини қуриш ва таҳлил қилиш.
3. Аёллар жакети асосий ва ҳосила деталлари андазаларини ишлаб чиқиш.
4. Аёллар реглан бичимли кўйлагини андазалар чизмасини ишлаб чиқиш.
5. Аёллар яхлит енгли блузкаси асосий ва ҳосила андазаларини қуриш.

**МУСТАҚИЛ
ТАЪЛИМ УЧУН
ТОПШИРИКЛАР.**

1. Аёллар кўйлагини асосий ва ҳосила андазалари чизмаларини ишлаб чиқиш.
2. Аёллар енгил пальтосини асосий андазаларини қуриш ва таҳлил қилиш.
3. Аёллар жакети асосий ва ҳосила деталлари андазаларини ишлаб чиқиш.
4. Аёллар реглан бичимли кўйлагини андазалар чизмасини ишлаб чиқиш.
5. Аёллар яхлит енгли блузкаси асосий ва ҳосила андазаларини қуриш.

СЛАЙДЛАР


1-слайд



Кластер (тарқатиш) – бу педагогик стратегия ҳисобланиб, талабаларга қандайдир мавзуни ўрганишда эркин ва очик фикрлаш имкониятини ўргатади.

У маълум бир тизим бўйича фикрларни ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларни уйғунлаштиришни талаб қилади. Бу эса фикрларни жамлашнинг тўғри чизиқли бўлмаган шакли ҳисобланади. У асосан мия қандай фаолият юритса худди шундай ишлайди.

Мазкур стратегия фикрлаш фаолиятини шундай жамлайдики, натижада ўқувчилар янги ташкил торпаётган тизим ёки чизмали тасвирни сифатли тарзда ўз онгларига жамлаб оладилар. Бу шундай стратегияки, у тасвурда пайдо бўлган мавзу ҳақида ёки тушинчаси ва ўз билимига тушунарли ёндашишни талаб этади.



ТЕЗДА ЭСКИЗЛАШ МЕТОДИ

1

Ўқувчилар доскага осилган стенддан 10 дақиқада чизмаларни чизиб оладилар

2

Ўқитувчилар ўқувчиларни дафтарларини

3

Дафтардаги чизмалар ва қайдлар сифати ва миқдorigа қараб ўқувчилар эскизлаш

4

Дафтарларни қайтариб беради

ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ШОВҚИНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

ГОСТ 12.1.003-76 СанПиН №0065-96 «Санитарные нормы допустимых уровней шума» ва СНиП II-12-77 ишлаб чиқариш шовқинига қарши курашни бир қатор чораларини белгилайди: техник (манбадаги шовқинни камайтириш, технологик қурилмаларни профилактика қилиш ва замонавий таъмирлаш); акустик-қурилишли (товушни ихоталаш, товушни ютиш, акустик эранлардан фойдаланиш); ташкилий (меҳнат ва дам олишни рационал тартибини танлаш, шовқинли шароитда қолиш вақтини қисқартириш); масофали бошқариш; индивидуал ҳимоя воситаларини қўллаш.

Шовқиннинг салбий таъсирига қарши курашиш асосан уларни ҳосил бўлган манбаида нормал қийматгача камайтириш ёки уларни тарқалиш даражасини пасайтириш йўли билан амалга оширилади. Унчалик самарали бўлмаган, аммо баъзида ягона қўллаш мумкин бўлган усул – ишчининг шахсий ҳимояси. Шахсий ҳимоя воситаларига махсус шовқинга қарши шлемлар, наушниклар ва кулоқ тикинлари киради. Агар шовқин 120 дБдан катта бўлса шлемлар, агар 120 дБдан паст бўлса наушниклар (ВЦНИИ-ОТ2М) қўлланилади.

Тикувчилик саноати ўртача шовқинли саноатлар қаторига киради, аммо айрим ҳолларда бу ерда ҳам ишчи ўринларидаги шовқин босими даражаси тикув машиналарида 90 дБгача кўтарилиши мумкин.

Манбадаги шовқинни пасайтиришнинг самаралироқ ва рационал усули, тикув машиналари ва прессларга уларни лойиҳаланганда мавжуд бўлмаган технологик ва конструктив воситаларни ўрнатиш.

Аэрогазодинамик қурилмаларда (вентилятор, турбина) содир бўладиган аэродинамик жараёнлар натижасида пайдо бўладиган шовқинни камайтиришга, газ ҳолатидаги элементларни оқиш тезлигини чегаралаш йўли билан эришилади.

Шовқинни камайтиришнинг самарали воситаси технологик жараёнларни асосини ўзгартириш ҳисобланади (масалан, штамплашни пресшлашга, клёпкалашни пайвандлашга алмаштириш). Шовқинга қарши курашда барча қурилмалар (машина, станок ва аппаратлар)ни эксплуатация қилишни рационал тартибини (режимини) тузиш катта аҳамиятга эга.

Агар шовқинни бевосита манбаада камайтиришнинг иложи бўлмаса, уларни тарқалиш йўлидаги тебранма ҳаракатларини сўндирувчи воситалардан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳавода тарқалаётган шовқинни (ҳавойи шовқин) камайтириш учун манбаани ҳаводан ажратувчи оғир ва мустаҳкам материаллардан тайёрланган шовқинни ихоталовчи қурилмалар қўлланилади; товуш тўлқинларининг йўлига товуш ютувчи енгил ва ғовак материалли конструктив қурилма ўрнатилади.

Қаттиқ қатлам бўйича тарқалаётган шовқинни (структурали шовқин) йўқотишда титраётган элементни бириктирилган тузилмалардан ажратиб титрашни ихоталовчи қурилмалар ёки титраш интенсивлигини камайтирувчи титрашни ютувчи қатламлар қўлланилади.

Қаттиқ шовқин билан ишлайдиган машиналар мавжуд бўлган цехда шовқинни сўндириш шовқин ҳосил бўлган манбаани ихоталаш, шунингдек шовқиннинг тарқалиш йўлига махсус шовқинни ютувчи тузилмаларни ўрнатиш билан амалга оширилади. Тебраниш энергияси ҳавойи ва структурали товуш шаклида берилганда, виброихоталовчи ва виброютувчи воситалар қатори, товушни ихоталовчи ва ютувчи воситаларни ҳам қўллаш керак бўлади. Товуш ўз йўлида тўсиққа учраса ё ундан қайтади, ё унга ютилади, ё ундан қўшни томонга ўтади.

Товуш энергиясининг қайтиш $E_{\text{кай}}$ ва ютилиш $E_{\text{ют}}$ даражаси, тўлқиннинг тушиш бурчаги ва частотаси, тўсиқнинг физик частотаси, тузилиши, бинонинг ўлчамига боғлиқ ва қайтиш β ва товуш ютиш α коэффициентлари билан характерланади: $\beta = E_{\text{кай}} / E$; $\alpha = E_{\text{ют}} / E$.

Чегаралар ва қурилмаларнинг товушни ихоталаш хусусияти ўлчамлари, массаси, зичлиги, ички қаршилиги, кучайиш шартлари, шунингдек товуш частотаси ва тўсиқнинг тебраниш частотасига боғлиқ.

Товушни ихоталовчи тузилма товуш шовқинларининг тарқалиш йўлида шовқинли қсмни, шовқинсиз қисмдан ажратиб турадиган, етарли даражада тебраниш энергиясига эга бўлган тўсиқ ҳосил қилади.

Тўсиқнинг инерциал таркиби бевосита унинг юза мустаҳкамлигига (тўсиқ тузлмаси оғр ва мустаҳкам бўлиши керак) ва тебранш частотаси (юқори частотали товушлар тўсиқда паст частотали товушлардан яхши ихоталанади). Товуш частотаси тўсиқнинг тебраниш частотаси билан мос келиб қолса, унинг товушни ихоталаш хусусияти кескин пасаяди. Тўсиқнинг тебраниш частотаси канчалик юқори бўлса ва ташқи мустаҳкамлиги катта бўлса, унинг товушни ихоталовчи таркиби шунчалик яхши бўлади.

Тўсиқнинг ташқи мустаҳкамлиги 2 баробар оширилганда унинг товушни ихоталаш сифати тахминан 5 дБга ортади.

Шовқиннинг агрегатларини ихоталашда қўлланиладиган маҳсус товушни ихоталовчи капотлар, кожухлар шовқинни аҳамиятли даражада сусайтиради (25 дБгача).

Товушни ютувчи материллар ва тузилмалар цехдаги умумий шовқинни пасайтиришда қўлланилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўйинлар ҳақидаги турли олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

Ўйинлар ўқувчиларнинг ички психологик (руҳий) ҳолатига таъсир қилган ҳолда, уларни қизиқишини, интилишини оширади ҳамда кўтаринки руҳда билимларни ўзлаштириш имконини беради.

Бугунги кунда малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда дидактик ўйинлар асосий ўқитиш методи, мустақил технология сифатида намоён бўлмоқда.

Ўқув фаолиятининг асосий мотивлари бу – ички ўқув-билиш мотивидир. Ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса талабанинг бўлғуси касбига бўлган қизиқиши ва мойиллигидир. Талабанинг ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий қониқиш ва ундан қувонч ҳиссини ҳосил қилиши лозим.

Бундай вазифаларни ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш улкан аҳамият касб этади. Ўйинли технологияларда ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш мулоқотнинг демократик услуби, ютуқларидан фойдаланишига хизмат қилади. Бу талабанинг ижодий кучлари ва қобилиятларини ўстиради.

Бир нечта ўйинли технологияларни ўрганиб чиққан ҳолда, касб-ҳунар таълимида енгил саноат соҳаси бўйича ўтиладиган дарсларда тадбиркорлик ва ижодий ўйинлардан фойдаланишни тавсия этаман.

Тўғри танланган ҳар қандай метод ва технология дарс жараёнини самарадорлигини оширувчи омил ҳисобланади. Шундай экан, дидактик ўйинлардан ўз ўрнида етарли даражада фойдаланиш ҳам ўқитиш жараёни муваффақиятининг асосий қонунидир.

Хусусан, касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни (тикув буюмларини лойиҳалаш, тикув буюмларини моделлаштириш, тикув буюмлари технологияси, тикув буюмларини ишлаб чиқариш жиҳозлари ва бошқалар) ўқитишда ижодий,

операцион, имитацион ўйинлардан фойдаланиш ўқув жараёнида ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ижодий фаолликни ўстириш, кўтаринки руҳда таслим бўлмасдан ишлаш, қийинчиликларни енгиб муваффақият сари интилиш каби сифатларни ривожлантиришди муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу битирув малакавий ишининг якунида биз касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда нафақат амалий машғулотларда, балки маъруза дарсларида ҳам қизиқарли ўйинли технология ва методлардан фойдаланишни тавсия этаман. Чунки, талабаларнинг амалий машғулотлардаги фаолликлари маъруза дарсларини ўзлаштиришларига боғлиқ. Маърузаларни яхши ўзлаштирилиши учун эса дарс жараёни зерикарли бўлмаслиги ва ҳар бир талаба маърузага қизиқиш билан қарашига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётнинг пойдевори – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. 20-29 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий давтури» Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 31-61-б.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 77 б.

II. Адабиётлар

4. Каримов И.А., «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» - Т.: 1993.
5. Каримов И.А., «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» - Т.: 1996.
6. Азизхўжаева Н.Н., «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат», ўқув қўлланма Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006, 91-109 б.
7. Азизхўжаева Н.Н., Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000, 52 б.
8. Аллаёров И.А., Дидактические основы активного обучения управленческим дисциплинам. – Т.: Фан, 1994.
9. Ходжабоев А., Хусанов И., «Касбий таълим методологияси», ўқув қўлланма. Т.: 2007.
10. Мавлонова Р., Тўраева О., Холиқбердиев К., «Педагогика» Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик 3-нашр, Т.: «Ўқитувчи» нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2007.
11. Беспалько В.П., Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М., 1995.
12. Селевко Г.К. и др. Дифференциация обучения. Ярославль, 1995г.

13. Зиёмухаммедов Б., Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Чиноз ЕНК, 2002, 124 б.
14. Педагогические технологии: Учебное пособие для студентов педагогических специальностей. – Ростов на Дону: издательский центр «Март», 2002.
15. Потапов И.В. Методические рекомендации по выполнению письменных работ, отчетов по практике, подготовке и защите выпускных квалификационных работ. Филиал СЗАГС в г. Великий Новгород. – 2007.
16. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К., Тикувчилик буюмларини конструкциялаш. - Т.: 2003.
17. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини конструкциялаш. - Т.: «Ўқитувчи», 1997.
18. Куренова С.К., Савельева Н.Ю. «Конструирование одежды» М.: Ростов-на Дону Феникс, 2003.
19. Амирова Э.К., Саккулина О.В., Саккулин Б.С., Труханова А.Т. «Конструирование одежды» М.: 2001.
20. Ермолаев В.А., Кравец В.А., Свишев Г.А. «Охрана труда в легкой промышленности». М.: Легпромбытиздат, 1985г.

III. Интернет – ресурслари

21. www.allbest.ru
22. www.assol.ru
23. www.eleandr.ru
24. www.istedod.uz
25. www.inetlibraru.com
26. www.ictcouncil.gov.uz
27. www.scchool.edu.ru
28. www.search.re.uz
29. www.natlib.uz
30. www.ziyo.uz

